

Ҳамидулла БОЛТАБОВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор

# Ҳожи Абдурауф Фитратнинг янги топилган манзумаси

Бугун бизга улуғ адиб ва драматург, публицист ва олим, филология соҳаси бўйича биринчи профессор сифатида таниш Абдурауф Фитрат Бухорои шарифдаги «Мир Араб» мадрасасини хатм қилган ва XX аср бошларида (1905-06) отаси Хожа Абдурахим билан ҳаж зиёратини адо этган. Фитрат 1909-14 йилларда Бухорода тузилган «Тарбияти атфол» («Болалар тарбияси») жамиятининг кўмаги ва йўлланмаси билан Туркияга ўқишга юборилган ва Истанбул университетида талабалик баробарида «Воизин» мадрасасида мударрислик қилган. Истанбул даврида Фитрат домла ўндан ортиқ асарлар битган, улар орасида «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси» (1327/1909), «Бухоро вазири Насруллоҳбек Парвоначи афанди ҳазратларига очиқ мактуб» (1328/1910), «Сайҳа. Миллий шеърлар» (1329/1911), «Баёноти сайёҳи ҳинди» (1330/1912) кабилар бор. «Муслмонни дору-р-роҳат» (И.Ғаспирали асарининг форсча таржимаси, Петроград, 1915), «Тараққий ва тажаддуд» («Сирожу-л-ахбори



афғония», 1913 й. 15 ноябрь), «Саййид Амир Олимхонга – таҳният ва унинг жулус тарихи» (1328, 1910), «Мавлуди шариф ёхуд миръоти Хайру-л-башар» (Тошкент, 1914), «Ойила ёхуд вазифаи хонадори» (Боку, 1914), «Мухтасари тарихи ислом» (Самарқанд, 1915), «Раҳбари нажот» (Петроград, 1915) асарлари кейинроқ бошқа шаҳарларда чоп этилган.

Устоз домланинг илоҳиёт илми билан боғланиши бу асарлар доирасидагина эмас, балки ҳаёти давомида ёзилган адабий-бадий-илмий рисолаларида акс этиб, унинг ижодини ичдан мунаввар нур билан ёритиб туради. Юқорида тилга олинган асарлари ўз даврида ва Мустақилликдан сўнг ўзбек (форс тилида ёзган асарлари), рус, турк, тожик, инглиз, олмон, урду ва бошқа тилларга таржима этилган ва «Танланган асарлар»ининг 5 жилдида чоп этилган.

«Мавлуди шариф ёхуд миръоти Хайру-л-башар», яъни ўзбекчада «Мушарраф таваллуд ёки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ойинаси» деган мазмун берувчи асари форс тилида ёзилган ва Тошкентда «Осиё матбаа»сида чоп этилган. Шарифжон маҳдум Садри Зиё (1867-1932) «Тазкори ашъор» асарида «Фозили комил Ҳожи Абдурауф зикрида» сўз юритаркан, адибнинг шеърий йўл билан ёзилган «ашъори миллий, аҳкоми дин, ихёи суннат, аъдои миллат» руҳидаги асарлари қаторида мазкур асарнинг номини ҳам келтиради. Ушбу асарни тожик тилида нашр қилдирган Абдулҳай Саидзода Муҳаммадаммин «бу дoston 1331 ҳижрий (милодий 1912) Рабиъу-л-аввал ойининг 8 кунда ёзиб тамомлангани»ни қайд этади. Ҳақиқатан ҳам асарнинг 1914 йилда Тошкентда чоп этилган дастлабки наشري «Тамма-л-китобу би авни-л-Малик-ул-Ваҳҳоб. Фи сана-ти 1331 ҳижрий, 8 шаҳри Рабиъу-л-аввал. Катабаҳу Самарқандӣ мулло Сайфиддин ал-муфти» сўзлари билан тамомланади. «Ойина» журналида (1914 йил 1 февраль) «Матбуоти жадида» сарлавҳали эълонда «Истанбул хилофотида сокин бўлган жаноб нозим Абдурауф Фитрат афанди томонидан Бухоро талаби билан 36 саҳифалик «Мавлуди шариф...» асари нашр бўлгани айтилади. Маълум бўладики, ушбу асар ҳам Фитратнинг Истанбулдалик пайтида ёзилган ва Ватанига қайтгач, Тошкентда нашр этилган экан. Бироқ ҳозирга қадар номи илмий манбаларда қайд этилса-да, асар ўзбек тилида эълон қилинмаган.

Асар назм билан маснавий йўлида битилган, рисола шаклида тошбосмада чоп этилган бўлиб, 32 саҳифани ташкил қилади. Илк саҳифа





## **Бисмиллоҳи-р-роҳмани-р-раҳим, Аст ҳижоби даракот-и жаҳим**

Мазмуни:


### **Бисмиллоҳи-р-роҳмани-р-раҳим Дўзах чоҳларидан парда тўсиқдир**



деб бошланади. Сўнгра маснавий шаклида Аллоҳга ҳамд битилади (сарлавҳасиз). Бир неча боб тарзида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари баён қилинади. Боблар «Арабистондан чиққан Пайғамбарлик шариати», «Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари», «Оталарининг вафотлари» ... тарзида Пайғамбар таваллудларидан вафотларига қадар амалга оширган ибратли-хайрли ишлари хотимага қадар давом эттирилган. Фитрат домла ўзигача мавжуд араб, форс ва туркий тилларда ёзилган «Мавлуди шариф»лардан бохабар бўлган, бу асар илм толиблари учун сабоқ берувчи қўлланма сифатида ёзилган.

Мазкур асар билан айнаи бир даврда ёзилган Хилватий домланинг «Мавлуду-н-набий саллоллоҳу алайҳи васаллам» асари билан солиштирганда, Хилватий асари 1327/1909 йили чоп этилгани маълум бўлади. Фитрат домла Истанбулда экан, табиийки, ушбу рисолаи кўрмаган бўлиши мумкин. Бироқ ҳар икки асар ҳам анъанавий «мавлуди шариф»лар руҳида ёзилган, Қуръони каримнинг мукаррам оятлари ва ҳадиси шарифлардан намуналар, орада ўқиладиган дуолар, ҳикоятлар билан музайян қилинган.

Ҳожи Абдурауф Фитратнинг «Мавлуди шариф ёхуд миръоти Хайру-л-башар» асарининг бошланиш қисмидан намуна азиз ўқувчиларга ҳавола қилинади.






## «Мавлуди шариф ёхуд мирёоти Хайру-л-башар»

«Мушарраф таваллуд ёки Пайғамбар ойинаси»

Бисмиллоҳир роҳманир раҳим  
Дўзах чоҳларидан парда-тўсиқдир.  
Жаҳонни яратган доно У,  
Бу ишда қодири танҳо У.  
Бордир ўлмас бу подшоҳ абад,  
Йўқ унда аёл, қардош, фарзанд.  
У жаҳонни яратган Худо,  
Жисму жонни қилгандир ато.  
Қудрати ердан фазогача,  
Ясади дил яйрар бир боғча.  
Ҳар буржига кенг ариқ ила,  
Берди кўп чиройли манзара.  
Ям-яшил, ферузаранг кошин,  
Тўшаб, остини қилди нақшин.  
Баланд шифт ясади самодан,  
Ёғдули машъал оймо модан.  
Бергач бу боғ камолдан нишон,  
Аллоҳ қудрати бўлиб аён.  
Бермоқ истаб бу боғни кимга,  
Ки бўлса лойиқ бу наъимга.  
Башар ила жаҳонга зийнат,  
Бериб башарга маданият.  
Тамаддун нуридан қилсин деб,  
Ёруғ-равшан ер чаманин деб.  
Оёқ қўйгач, ер узра инсон,  
Уй қуриб, тутди унда макон.  
Заминни қилди ўтиб ой-йил,  
Ҳаракати ила хуш манзил.



Не ҳаракатким, бу қора хок,  
Бўлди андин ойна каби пок.  
Қилиб саъй, ўзи баҳра олди,  
Экиб уруғ, ўзи ўроқ солди.  
Ерни шод этиб, яшади шод,  
Ишлаб олмаган ким мукофот?  
Лек ташлаб олдга неча қадам,  
Унутди ичганин Ҳаққа қасам.  
Роса қилиб роҳат, айш, сурур,  
Текин неъматдан бўлиб мағрур.  
Ўзин кўрди ерда ҳукмрон,  
Боқмади сира осмон томон.  
Наздида тепадан ҳеч бир зот,  
Туширмаган пастга уни бот.  
Билмади Ҳақ қадрини ул мард,  
Оқибат вужуди топди дард.  
Фитрату ўй ва ақлу хирад,  
Барчаси қилдилар уни рад.  
Жаҳолат қоплаб зотин шу тоб,  
Обод кўнглин айлади хароб.  
Жаҳолат учқуни жон аро,  
Тушиб, қилди бор-йўқдин айро.  
Қолди бир ҳовуч кул сарбасар,  
Маданиятидан қолмай асар.  
Бу бахтсизлиги касри уриб,  
Ер тароватсиз қолди қуриб.

Исмоил БЕКЖОН  
таржимаси

Чун ширит  
сاخت زمين را  
اگر دچنان سمي  
کرد خوش سمي  
ساخت زمين را  
ايک چندين قدم افک  
کرد بسى راحت عيش  
دي خوش را زمين را  
اگر دکمان کنو مسجد



XX аср янги давр ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, буюк сўз санъаткори Абдулла Қодирий динга қарши жазаваля кураш авжига минган, «Худосизлар» деб аталган машъум журнал жавлон уриб турган 20–30-йиллар шароитида мавжуд тузум мафкураси-сиёсатиға зид бошдан-оёқ диний-исломий рух билан йўғрилган яқин ўтмиш тарихидан олиб ёзилган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»дек шоҳ романларини эълон

## Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асарида диний-илоҳий мотивлар

этиши, уларни кенг китобхон оммаси хуш қабул қилиши ҳайратомуз ҳодиса, Аллоҳнинг ноёб эҳсони!

Айни пайтда, XX асрнинг 30-йиллари қишлоқларда коллективлаштириш сиёсати авжига чиққан, шўро сиёсати замони қулф урган бир паллада шу мавзудаги «Обид кетмон» қиссасига қалби-вужуди диний исломий рух билан йўғрилган ғаройиб бир замондош диндор – юксак эътиқод эгасининг бош қаҳрамон қилиб олиниси ундан-да ғаройиб ҳодисадир.

Асар бош қаҳрамони Мулла Обиднинг жамият турли қатламларига – фирқага, комсомолга, қишлоқ устунлари саналмиш бадавлат кишиларга, дин пешволари – руҳонийларга муносабати ҳам ўзига хос, ҳозирги кун кишилари учун ғоят қизиқарли. У жамиятда ижтимоий гуруҳлар мавжудлиги, уларнинг асил синфий моҳиятини яхши тушунади. Бироқ одамларни фақат қайси гуруҳ, синфга мансуб эканига қараб дўст ёки душманга ажратмайди. Одамга баҳо беришда унинг учун бош мезон – кишининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, одамийлиги, амалий фаолияти. Ким бўлишидан, қайси табақа, ижтимоий гуруҳга мансуб эканидан қатъи назар, у биринчи галда одамни одам деб, уни тушуниб одамларча муомалада бўлади: қишлоқ устунлари саналмиш бойлар инсофли, кўпчилик учун жони ачийдиган одамлар эмаслигини билгани ҳолда зиёфатга таклиф этганларида одамгарчилик юзасидан уларникига боради, бироқ улар қувлик билан Обидни ўз томонига оғдиришга уринаётганликларини сезгач, дарҳол улар билан орани очик қилади; яна ўша оддий одамгар-

